

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 208 (10.011)

2003 ЙИЛ 27 ОКТЯБРЬ

**ПОЙТАХТНИНГ**  
*Сиз Кунин*  
Янгиликлар, воқеалар

## ҚИСКА сатрларда

- «СЕН ёлғиз эмассан» ижтимоий хайрия жамғармаси ташаббуси билан пойтахтимизда туғма нуқсонли болаларни даволашнинг янгиचा усулига бағишланган тадбир уюштирилди.
  - «ЭКОСАН» халқаро жамғармасида ташкил этилган тадбир иқлим ва атроф-муҳит билан боғлиқ муаммолар ҳамда уларни бартараф этишни чораларига бағишланди.
  - ШАҲРИМИЗДА БМТ ташкил топган кун — 26 октябр жамоатчилик вакиллари томонидан ўзига хос байрам сифатида нишонланди.
  - ЎЗБЕКИСТОН Давлат жаҳон тиллари университети қошида иқтидорли йигит-қизларни ўз бағрига сиғдира оладиган бизнес мактаб ташкил этилди. Эндилдиқда ушбу мактабда 90 нафар илмга чанқоқ ёшлар тахсил олади.
  - «ПОЙТАХТ» меҳмонхонасида ҳуқуқшунослар иштирокида уюштирилган семинар-тренинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига бағишланди.
- Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Ушбу масала пойтахт ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг тўққиз ой якуналарига бағишланган фаоллар йиғилишида асосий мавзу сифатида ҳар томонлама муҳокама этилди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳоқими Рустам Шоабдурахмонов олиб борди.

## • ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

### ШАҲАР ХЎЖАЛИГИ ҚИШКИ МАВСУМГА ТАЙЁРМИ?

Шубҳасиз, қиш олди масалалари ҳақида гап борганда, биринчи навбатда албатта уй-жой фондининг тайёргарлиги эътиборга олинади. Бу борада «Тошгаз», «Сувос», «Тошиссиқликкуватни», «Тошиссиқликмаркази» корхоналари ва пудратчи ташкилотлар раҳбарларининг фаоллар йиғилишида берган ҳисоботига кўра қиш мавсумида тегишли хизматлар меъёрида ва тўлиқ фаолият кўрсатиши кўзда тутилган. Хусусан, бу борада мазкур хизматлар томонидан белгиланган чора-тадбирлар дастури ўз вақтида 100 фоиз амалга оширилган. Бундан ташқари, «Тошиссиқликмаркази» томонидан жорий йилнинг октябр ойи бошига уй-жойларга иссиқлик — 99,7 фоиз, соғлиқни сақлаш объектига — 99 фоиз, халқ таълими муассасаларига — 96,5 фоиз, ўртамаҳсус таълим тизимига — 81,8 фоиз ҳисобида уза-тилган, яъни истеъмолчиларга иссиқлик маромида етказилган дейиш мумкин. Аммо истеъмолчи аиникса уй-жой масаласида зарур иссиқликни олди-ми деган савол ҳозирча очик қолмоқда.

Гап шундаки, жорий йилда 1991 йилгача қурилган уйларнинг 792 таси тубдан таъмирланиши белги-ланган бўлса, аслида таъмирдан 378 та уй чиқарил-ган, бу эса режанинг 48 фоизини ташкил қилади.

Маълумки, капитал таъмирлаш ишлари учта мо-дильлаштириш манбалари орқали бажарилади. Биринчи манба аҳолининг фойдаланиш хизматлари учун тўловларининг 30-40 фоизидан шаклланади. Демак, унинг бажарилишига аҳоли ўз маблағлари-ни ишониб топширган уй-жой мулкдорлари ширкат-лари бевосита масъулдир. Кўп қаватли хонадон эга-лари талаби қанчалик қониқтирилмаётганини қуйи-даги рақамлар орқали кузатиш мумкин. Йил боши-дан уй-жойлардан фойдаланиш хизматлари учун йи-ғимлар 92 фоиз таъминланган бўлса, ўрта ҳисобда ушбу маблағнинг 25 фоизи таъмирлаш ишларига сарфланган. Аниқроқ қилиб айтганда, биринчи ман-ба ҳисобидан 2003 йилда 337 та уйнинг тубдан таъ-мирланиши режалаштирилган, лекин шу кунга ке-либ режадаги уйларнинг фақат 190 тасида ишлар бажарилган. Жумладан, Чилонзор тумани бўйича уй-жой таъмирланиши учун аҳоли маблағларидан фа-қат 16 фоизи, Шайхонтоҳур тумани бўйича — 19 фоизи, Сергели тумани бўйича — 15 фоизи йўнал-тирилган. Аини пайтда 324 та уйда тубдан таъмир-лаш ишлари давом этмоқда, аммо 90 тасида ҳануз бошланмаган. Юзага келган молиявий вазиятни ино-

батга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Пре-зиденти топшириғига мувофиқ Вазирлар Маҳма-сининг заҳира жамғармаси ҳисобидан 1 миллиард сўм маблағнинг пойтахтдаги кўп қаватли уйларни тубдан таъмирлаш учун ажратилиши белгиланди. Бундан ташқари, Давлат мулки кўмитаси томони-дан ушбу мақсадлар учун 100 миллион сўмдан зиёд маблаг йўналтирилиши кўзда тутилмоқда. Албатта бу борада давлат даражасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар айрим масъул раҳбарлар ҳамда ва-колатли ташкилотлар эътиборидан четда қолмайди, қолаверса камчиликлар юзага келиши масаласида мутасаддилар, жумладан уй-жой ширкатлари ҳам те-гишли хулоса чиқаради деган умид йўқ эмас.

Фаоллар йиғилишида уйларга ҳисоблагич асбо-бларини ўрнатиш масаласида ҳам оқшам мавжудли-ги таъкидланди. Чунончи, жорий йилга 128 минг дон-а совуқ сув ва 187 минг донга газ асбоблари ўрнати-лиши белгиланган бўлса, аслида шу кунгача режа тегишли равишда 22,8 ва 69 фоизга бажарилган.

Ҳисобот даврида коммунал хизматлар учун деби-тор қарздорлик ҳам анча ошганлиги кузатилди. Йил бошида умумий қарздорлик 7,3 миллиард сўмга тенг бўлган бўлса, жорий йилнинг 1 октябр ҳолатига аҳоли қарзлари икки баробар ошган, мuddати ўтган қарздорлик эса 3 миллиард сўмни ташкил қилди.

Соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кузги-қишки мав-сумга тайёргарлик ишлари якунланмаган. Жумла-дан, 24 та даволаш муассасаларида таъмирлаш ишлари 83 фоизга бажарилган, оилавий шифохона-ларда ҳам бу борадаги ишлар поёнига етказилма-ган.

2003-2004 ўқув йилига 50 та мактаб ва 51 та мактабгача тарбия муассасаларида таъмирлаш иш-ларини олиб бориш учун 166,5 миллион сўм ўзлаш-тирилиши кўзда тутилган. Ажратилган маблағлар-дан тўлиқ ва мақсадли фойдаланилган. Бирок ша-ҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳисоботи бўйи-ча тизимнинг коммунал хизматларига бўлган эҳти-ёжини тўлиқ қондириш учун таъмирлаш ишларига яна 324 миллион сўм маблаг талаб этилмоқда. Йи-ғилишда таъкидлаб ўтилганидек, агарда ушбу маблаг-лар ажратилиши ўринли деб топилса, туман ҳоқим-ликлари томонидан амалий ёрдам кўрсатилиши шубҳасиз.

Давоми 2-бетда.

**XXI саҳоси**  
ХАҚИ  
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

## Мамлакатимизда

- Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот кўмитаси йиғилишида «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Фарғона вилоятидаги ижроси муҳокама этилди.
- Тошкентда 11-12 ноябрда Осий Тараққиёт банки ташаббуси билан Марказий Осийда иқтисодий ҳамкор-лик бўйича вазирлар дара-жасидаги конференция бўлиб ўтади. Анжуманда Ўзбекистон, Озарбайжон, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон, Қирғизистон, Мўғулистон, Тожикистон ҳукуматлари ҳамда нуфузли молиявий институтлар ва-киллари иштирок этиши ку-тилмоқда.
- «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиако-мпаниясида борт кузатувчи-си вазифасига қабул учун танлов ўтказилди. Унда 204 нафар киз иштирок этди.
- Тошкент Давлат юри-дик институтда Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлимининг очилиш маро-сини бўлиб ўтди. Мазкур бўлим талабаларнинг сало-ҳиятини ошириш, дунёвий билимларни ўзлаштиришда барча имкониятларни яра-тиш мақсадида ташкил қилинди.
- Навоий вилояти ҳоқим-лигида қишки мавсумга тай-ёргарлик масалаларига ба-ғишланган йиғилиш бўлиб ўтди.
- Собиқ Югославияда со-дир этилган жиноятлар бўйича тузилган халқаро трибунал серб маъмурулари-дан жиноят қилган бир гуруҳ гуноҳкорларни қамаш ва Гаагага жўнатишни талаб қилди.
- Ростов вилоятидаги «Западная» шахтасида тўрт кеча-кундуздан буён ер та-гида қолиб кетган 13 нафар шахтёрнинг ҳаётини сақлаб қолиш юзасидан саъй-ҳара-катлар давом этмоқда. Агар улар бугун ҳам кутқариб олинмаса шахтани тўлали-гича сув босади.
- Бағдод шаҳрининг по-лиция хизмати ва АҚШ ҳар-бийлари куни кеча шаҳар кўчаларидан бирида икки портолочи моддага тўла ав-тоуловни пайқаб қолди. Улардан бири портлатиб юборилди, иккинчиси эса хавфсизлантирилди.
- Мисрга кўп йиллардан бўён АҚШда сақлаб келина-ётган фиръван Рамез I нинг мўмийланган танаси келти-рилди.

## Жаҳонда

## ЯПОНИЯ ҲУКУМАТИНИНГ БЕҒАРАЗ ЁРДАМИ

Пойтахтимизда Япония ҳукуматининг кичик қўламдаги ижтимоий соҳаларга беғараз ёрда-ми йўналишида «Собир Раҳимов тумани 196-ўрта мактабни таъмирлаш ва замонавий уску-налар билан жиҳозлаш» лойиҳасининг тақдими бўлиб ўтди. Лойиҳа 2002 йил 15 ноябрда Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси билан мазкур мактаб ўртасида имзоланган грант-битим асосида амалга оширилди.

Лойиҳага кўра, Япония ҳукумати томонидан аж-ратилган саксон бир минг тўрт юз олтинчи саккиз АҚШ доллари миқдоридagi маблаг мактаб биносини таъ-мирлаш ишларига ҳамда мебель, спорт анжомлари, компьютерлар ва бошқа зарур техникавий ускуналар сотиб олишга сарфланди.

Лойиҳа тақдими маросимида Япониянинг Ўзбе-кистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Ка-вато иштирок этди.

(ЎЗА)

## ОБУНА — 2004


### «ОҚШОМ» БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ!

Қадрли газетхонлар! Аини кунларда сиз ҳаминша севиб мутолаа қиладиган «Тошкент оқшоми» газетасига 2004 йил учун обуна кизгин давом этмоқда. Бинобарин, у сизга ҳар доим энг яқин суҳбатдош, дўст, ҳам-кор ва ҳамроҳ бўлиб келган. Бунини шу кун-ларда таҳририятга келаётган дил номаля-ридан ҳам билиш мумкин. Газетага бўлган юксак меҳрингиз, садоқатингиз учун сиз-ларга катта ташаккуримизни билдирган ҳолда шу кунларда пойтахтимизнинг барча алоқа бўлимларида газетага обуна расмий-лаштирилаётганини яна бир қарра эсла-тиб ўтишни лозим деб топдик.

«Тошкент оқшоми» келгуси йилда ҳам мамлакатимизда, унинг азим пойтахтида ва жаҳонда рўй бераётган воқеа-ходисалар, янгиликларини тезкорлик билан ёритади,

сиз севиб ўқийдиган ранг-ба-ранг мав-зудаги мақолалар газета са-ҳифалари-дан мунта-зам ўрин олади, деб ишонтираимиз. Шундай экан, вақтни ганимат билиб сеvimли нашрин-гизга обуна бўлишга шошиллинг. Шундаги-на сизнинг нурли хонадонингизга 2004 йилнинг дастлабки кунидан бошлаб «Оқшо-мининг ўзи ташриф буюради.





**Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан**

• Озарбайжонда ўтказилган президент сайловлари арафасида турли башоратлар қилинган эди. Лекин авваллари айтилганидек, «Ягона Озарбайжон» партиясининг номзоди, бош вазир, собиқ президент Хайдар Алиевнинг ўғли Илҳом Алиев катта устунлик билан ғалаба қозонди. Унинг учун сайлов қутилари олдига келган аҳолининг 80 фоизи овоз берди.

• «Бугун дунё терроризмга қарши аёвсиз курашаётган АҚШни қўллаб-қувватлаши ва унинг атрофида бирлашиши зарур, зеро бин Лоденнинг сўнгги аудиоқўлленкаси террорчилар тамомила янчиб ташланмас экан, инсоният бошига машум кунларни солаверишини яна бир қарра эслатиб қўйди», дея муурожаат билан чиқди АҚШ Президенти Жорж Буш. Унинг хавотирига сабаб бўлаётган аудиоқўлленкадаги овозлар шахсан бин Лоденники эканлиги тасдиқланди. Биринчи рақамли террорчи «Ал-Жазира» телеканални орқали тарқатилган навбатдаги муурожаатида бутун араб мамлакатларини аҳудийлар ва АҚШга қарши курашни давом эттиришга чақирди. Шунингдек у Ироқдаги теракти маъқуллаган ҳолда, тез кунлар ичида яна шу каби бошқа қўллаб-террористик хуружлар амалга оширилишини таъкидлаган.

• Чеченистон Республикаси Президенти Аҳмад Кодиров Гудермес шаҳар маъмурияти биносида ўз ваколатига киришиши олдида қасамёд қабул қилди.

• «Новости» агентлигининг хабар беришича, озиқ-овқат етишмовчилиги хавфини бартаф этиш учун Еврокомиссия тўртта давлатга 43 миллион евро миқдориди маблаг ажратишга қарор қилди. Шундай қилиб, қашшоқликни камайтириш дастурига асосан Шимолий Корея ва Тожикистонга — 8 миллион евродан, Мадгаскарга — 9, Мозамбика — 18 миллион евро ажратилди.

• Шу кунгача Малайзия пойтахти Куала-Лумпурдаги осмонўпар эгиз бино (452 метр) дунёдаги энг баланд бино ҳисобланади. Эндиликда эса у иккинчи ўринга тушиб қолди. Яқинда Тайбэйда 101 қаватли маъмурий бинонинг 60 метрли гумбазининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Шундай қилиб бинонинг умумий баландлиги 508 метрни ташкил этди.

• Лондон метрополитенида ҳалокат юз берди. Соат эрталабки 10.12 да шимолий линиянинг Кэмден Таун станцияси томон ўртача тезликда яқинлашиб келаётган поезднинг туннел деворига урилиши натижасида охириг учта вагон издан чиқиб кетган. Қурбонлар ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

БМТнинг республикамиздаги ваколатхонаси томонидан тайёрланган «Мамлакат тараққиёти таҳлили: Ўзбекистон» деб аталган ҳисобот миллий устуворликлар нуктаи назаридан ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий масалалари таҳлиliga бағишланган. Тошкентдаги Халқаро бизнес-марказда унинг расмий тақдимоти бўлиб ўтди. Унга давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, журналистлар тақлиф этилди. «Бундай ҳисоботлар бутун дунёда БМТ Бош котибининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотини ислоҳ қилишга қаратилган ташаббуси доирасида тайёрланади», — деб таъкидлади БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Ричард Конрой.

**МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ТАҲЛИЛИГА БАҒИШЛАНГАН ҲИСОБОТ**

Мазкур мавзудаги ҳисобот илк бор уч йил аввал тайёрланган эди. Бу галгисида мамлакатимизнинг истиқлолга эришган дастлабки йиллардан бошланган ўттиш даври жараёнлари таҳлил этилган. Ҳисоботнинг муҳим жиҳати шундаки, маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш БМТ агентликлари томонидан мамлакатимиз ҳукумати, халқаро донор ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда амалга оширилган. Ўзбекистондаги вазият Мингйиллик декларациясида белгиланган ривожланиш соҳасидаги мақсадлар билан бевосита уйғун ҳолда берилган. Хужжатда давлат бошқаруви ва хавфсизлик, иқтисодиёт, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг муҳим жиҳатлари, экологик вазият ўз аксини топан. Республикаимизнинг утуқлари МДҲнинг бошқа мамлакатларидаги шундай кўрсаткичлар билан таққосланган.

— Тўплаган материаллар ва статистик кўрсаткичлар республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид асосий вазифалар ва муаммоларни янада чуқурроқ англаш, уларни ҳал этишнинг энг мақбул йўллари танлаш имконини беради, — деди Ўзбекистон Иқтисодиёт вазирлиги макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш бош бошқармаси бошлиғи Шухрат Шукуров. — Уларни ўрганиш жамиятимизнинг бугунги ва эртанги эҳтиёжларини уйғунликда англаш, ҳам миллий, ҳам халқаро даражада ҳамкорлик соҳаларини аниқлашда ёрдам беради.

Тақдимот маросимида Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Дэвид Пирс, БМТ Аҳоли-устунослик жамғармасининг доимий вакили Несим Тумқая, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ваколатхонаси раҳбари Арун Нанда, БМТ Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг минтақавий вакили Жеймс Каллахан, БМТнинг мам-

лакатимизда фаолият юритаётган қатор бошқа ташкилот ва агентликлари вакиллари сўзга чиқди.

Таъкидландики, Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча соҳаларида эришилган барқарорлик — узокни кўзлаб ва босқимча-босқич амалга оширилаётган ислохотлар натижасидир.

Бугун республикамиз собиқ шўро худудида ялли ички маҳсулотнинг 4 фоизи, ҳатто ундан ҳам кўпроқ миқдорда мунтазам ўсиши таъминланаётган кам сонли мамлакатлардан биридир. Ўзбекистон аллақачон энергетика ва ғалла мустақиллигига эришган. Мамлакатимиз пахта экспорти бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Юртимизда экспорт маҳсулотларининг турлари тўбора кўпаймоқда. Бугунги кунда бу рўйхатда нафақат табиий ресурслар, балки тайёр маҳсулотлар сони ҳам ошмоқда. Ижтимоий соҳа харажатлари сақлаб қолинган ҳолда давлат бюджетни тақчиллиги устидан қатъий назорат ўрнатилган. Фуқароларимиз ўртача 71,3 йил яшайди. Бу бошқа мамлакатлардагидан анча юқори. Айни пайтда мазкур рақам — соғлиқни сақлаш тизимидаги ривожланиш даражасини ҳам ифодаловчи кўрсаткичдир. Юртимизда истиқлол йилларида чақалоклар ва оналар ўлими 1,5-2 баробар камайди. Аҳоли саводхонлик даражаси қарийб 99 фоиз, базавий таълим билан қамраб олиш даражаси 97 фоизни ташкил этади.

Ҳисобот тақдимоти ўтган 24 октябрь — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил этилган кунда Мингйиллик декларациясида белгиланган ривожланиш мақсадлари бўйича кампанянинг бошланиши ҳақида ҳам маълум қилинди. Ўзбекистон аҳолисининг мазкур мақсадларга эришиш билан боғлиқ масалалардан хабардорлигини оширишга қаратилган бу тадбир давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

**А.ИВАНОВА, ЎЗАА мухбири**

**ШАҲАР ХЎЖАЛИГИ ҚИШКИ МАВСУМГА ТАЙЁРМИ?**

Давоми. Боши 1-бетда.

Кўриб турганимиздек, жойларда мавжуд муаммолар вақтида хал қилиниши юзасидан тегишли чоралар қўлланилаётган бир пайтда олий ўқув юрталари негизидидаги ётоқхоналарни қишки мавсумга тайёрлаш масаласи ҳаттоки молия манбалари аниқ бўлса ҳам хануз ечимини топмагани ачинарли ҳолдир. Шу боисдан долзарблигини инобатга олган ҳолда ушбу масаланинг шаҳар фаоллар йиғилиши кун тартибига киритилиши бежиз эмас. Туман ҳокимликлари, тегишли тузилмалар томонидан бу борада ётоқхоналарни ўқув йилига ҳамда қишки мавсумга тайёрлаш бўйича талай ишлар қилинди. Аммо Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт, рессомчилик, кимё-технология каби институтлар раҳбарияти ўз ваколатлари доирасида инсталлар тақдирига лоқайд бўлиб қолаётганини қандай изоҳлаш мумкин? Ўрни келганда айтиб ўтиш жоиз, баъзи олий ўқув юрталари раҳбарлари нисбатан бу йўналишда йўл қўйилган камчиликлар учун маъмурий жазо чоралари ҳам қўлланилган.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари шаҳар транспорти хўжалигида ҳам тегишли даражада олиб борилган. Жумладан, асосий зотибор йўллари жорий ва тубдан таъмирлаш, автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини меъёрий талабларга мослаш масалаларига қаратилган. Дарвоқе, йил якунига қадар пойтахт автохамламалари яна 100 дон «Мерседес» русумли янги автобуслар билан тўлдирилиши режалаштирилган. Жорий йилдан бунён эса аҳоли эҳтиёжини қондириш борасида «Тошшаҳарйўловчи» уюшмаси тизими томонидан 100 та «Отайўл» автобуслари харид қилинган. Бундан ташқари, шаҳар транспорт бозоридида рақобатчи сифатида хусусий хизматлар ҳам муваффақиятли фаолият юритмоқда. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда давлат уюшмаси томонидан қишки мавсумда аҳолининг жамоат транспортига бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилиши ҳақида ҳисобот берилди. Шу кунларда шаҳарда ободонлаштириш ва санитария-тозалаш борасида ҳам ишлар фаоллик билан олиб борилмоқда. Қиш фаслида Ободонлаштириш бошқармаси тизимида қўшимча 50 дон махсус транспорт воситалари ажратилиши белгиланган.

Шу билан бирга юқоридида қайд этилган тузилмаларда камчиликлар ва нуқсонлар ҳам мавжудлигини ҳисобга олиб, фаоллар йиғилишида истеъмолчиларнинг соғуқ сув, газ, электр қувватига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш, шунингдек, жамоат транспортининг барқарор ишлаши, шаҳарда тозаликни таъминлаш бўйича барча масалаларни ҳал этиш зарурлигига ургу бериб ўтилди.

Йиғилиш давомида шунингдек, аҳолига куз-қиш мавсумида дастлабки зарурий озиқ-овқатлар билан, шу жумладан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, пенсия, нафақалар, бюджет ташкилотларига ойлик маошларининг вақтида тўловини амалга ошириш лозимлиги масалалари кўриб чиқилди.

Йиғилишда коммунал хизматлар раҳбарлари ҳисоботлари бўйича кўрсатиб ўтилган камчиликлар ва тақлифлар инобатга олингани ҳолда барча қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ильмира ЗАЙНУДИНОВА**

**СУД ҲОКИМИЯТИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро муносабати масаласи алоҳида диққат-эътибор талаб қилишини таъкидлаган эди. Зеро, суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, аввало, ҳар бир фуқаронинг манфаатини химоялайдиган қонун ва меъёрлар оммавий ахборот воситаларида ёритилиб, аҳолига таништириб борилиши зарур.

Маърузада баён этилган вазифа ва қоридаларни кенг ёритиш бўйича белгиланган дастурга мувофиқ Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги - ЎЗА, Оммавий ахборот воситаларини демократиялаш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ва бошқа мутаассиди идоралар ҳамкорликда 2002 йилнинг IV чорагидан бунён долзарб муаммолар юзасидан мунтазам рившида илмий-амалий конференция, халқаро семинар ва давра суҳбатлари уюштириб келмоқда.

Конституциявий судда бўлиб ўтган суд ҳокимияти фаолияти самардорлиги масалаларини ва судларда қўрилган ишларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишидаги муаммолар ва уларнинг ечимларига бағишланган давра суҳбатидида шу ҳақда гап борди.

Конституциявий суд раиси Б.Мустафоев бошқарган ушбу тадбирда қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти, Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура ҳамда Ички ишлар вазирлиги, оммавий ахборот воситалари қили-

ри ва хуқуқшунос олимлар иштирок этди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-хуқуқ соҳасидаги ислохотлар мазмун-моҳияти, амалий натижаларини аҳолига етказишда оммавий ахборот воситалари ролини янада ошириш, хусусан, жиний жазоларнинг либераллаштирилиши билан боғлиқ қонун ҳужжатларининг ҳаётга жорий этилишига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда жиний жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан охириг икки йилда 14 миңдан ортиқ шахс ўз айбига иқдор бўлиб, жабрланувчи билан ярашганлиги ва етказилган зарарини қоплаганлиги учун жиний жавобгарликдан озод қилинди. Судланганларнинг 13 фоизига нисбатан жарима жазоси қўлланилди. Энг муҳими, судланганлар сони камайди, озодликдан маҳрум қилиш жазоси 34,7 фоизга тушди, 65,3 фоиз судланувчи маҳкумликдан бошқа енгилроқ жазога тортилди.

Янгиликлардан яна бири, терговда бир ярим йил ҳибсда сақлаб туриш нормаси ўзгартирилди, 90 фоиздан зиёд терговда-

ги ишлар 2-3 ой ичида тугатилиши ва қонуний тўхтама қелиниши таъминланди, прокурор санкцияси билан қамоққа олиш эҳтиёи чорасини қўллаш 50 фоизга камайди.

Энди фақат агрессия, геноцид, терроризм, оғир усулларда одам ўлдирш тоифасидаги жиноятлар учун судлар томонидан ўлим жазоси тайинлиши мумкин.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг шу йил 26 сентябрда қабул қилинган «Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шартларини либераллаштириш тўғрисида» ги Фармонини мамлакатимизда инсонпарварлик тамойилига амал қилишнинг ёрқин намунаси сифатида кўрсатиш мумкин. Мазкур хужжатга асосан бир неча озлаб маҳбуслар амалда ўз оилалари билан бирлашади. Жазо эркин меҳнат жабҳасида ўталади.

Бу давлатимизда жиний жазоларни либераллаштириш борасидаги ислохотлар умуминсоний, адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширилаётганидан далолатдир.

Тадбирда суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўзаро ҳамкорлик доирасининг кенгайиши суд-хуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнига ижобий таъсир ўтказиши ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини химоя қилиш борасида қонун устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

**Бехзод НОРБОВ, ЎЗАА мухбири**

**Маълум**

**БИЛИМ  
ВА АМАЛИЁТ —  
УЙҒУНЛИКДА**

Малакали мутахассислар тайёрлашда мамлакатимиз таълим тизимида чет элнинг илгор тажрибаларидан унумли фойдаланилмоқда. Бундай ижобий ҳолни Тошкент самолётсозлик касб-хунар коллежи мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Билим юртида кадрлар тайёрлаш жараёни Германиянинг дуал таълим тизимига асосланганлиги туфайли билим ва амалиёт ўзаро уйғунлигига алоҳида аҳамият берилмоқда. Бинобарин, бўлажак ёш мутахассислар учун коллежда назарий билимлар олишадиган қолган уч кун бевоқифлик чиқариш амалиётига ажратилади. Шунга қўра, ўқувчилар «Чкалов номидаги Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат ҳиссадорлик жамияти цех ва участкаларида амалиётда бўлишмоқда.

Бу йил ўқув ва амалиёт кўникмасига эга бўлган ўқувчилардан 40 нафари корхонага ишга қабул қилинди. Улар асосан 12-асбобсозлик, 11-механика йиғув ишлаб чиқариш цехларида меҳнат қилишмоқда.

**КАФЕДРА  
ШОХОБЧАЛАРИ**

Бугунги кунда Тошкент Давлат техника университети республика миздаги қатор илмий муассаса ва саннат корхоналари билан ҳамкорликни йўлга қўйиб келмоқда. Бундай илмий-амалий алоқалар туфайли олий ўқув юрти кафедраларининг жойларда шохобчалари очилди.

«Нефтьга кудукларни бургулаш» кафедраси «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясида ўз шохобчасига эга бўлди. Унда олиб борилган тадқиқотлардан бири янги полимер реагентини ишлаб чиқариш имконини берди.

Нефть ва газ конларини излаш ва қидириш тармоқ институти билан ҳамкорлик «Геология ва геофизика» кафедраси фаолиятини янада кенгайтириш учун замин ҳозирлади. Айни вақтда илмий муассасада кафедранинг шохобчаси иш бошлади.

Университетнинг «Нефть ва газни қайта ишлаш технологияси», «Саннат экологияси» кафедралари шохобчалари эса Ўзбекистон Фанлар академиясининг умумий ва ноорганик кимё институтида ташкил топди.

Акбар АЛИЕВ

**ФРАНЦИЯ — ЎЗБЕКИСТОН  
ҲАМКОРЛИГИ**

Тошкент Давлат техника университетиде Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институти (ТҚХИММИ) профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг «Институционал потенциал тараққиёти йўлида Франция-Ўзбекистон ҳамкорлиги» мавзудаги семинари иш бошлади. Гидроинформатика ва сув захиралари ўқув маркази, Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари, олимлар ва талабалар иштирок этмоқда.

Унда амалга оширилган тадқиқотларнинг таҳлили ва гидрологик ҳамда гидрогеологик моделлаштириш дастури, ўзаро алмашув дастурини янада изчил ривожлантириш востасида шериклар ўртасидаги муносабатларни барқарор ўстириш ишлари муҳокама этилди.

Анжуман истиқболни моделлаштиришда энг янги технологияларни қўллаш билан сув захираларидан унумли фойдаланиш бўйича Франция билан ТҚХИММИ ўртасида мустақам муносабат ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишда илк қадам бўлиб хизмат қилади. Бундан мақсад ахборот ва тала-

балар алмашиш бўйича махсус дастурлар ишланмаси қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда атроф-муҳит муҳофазаси соҳаларида иш олиб бораётган ТҚХИММИнинг турли факультетлари ва марказлари, лабораториялари билан илмий тадқиқий алоқаларини ўрнаттидан иборат.

Франциянинг геология қўмитаси ва Бордо университети томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот фаолияти натижалари сув захираларини бошқаришни янада мукамаллаштириш, эҳтимоли бўлган сув тақчиллиги таҳдиди ва турли тоифадаги истеъмолчилар ўртасида тобора кучайиб бораётган рақобат каби муаммоларни тушуниб етишга ёрдам бериб, халқаро илмий ҳамжамият диққатини мазкур масалага янгича назар билан ёндошишга ундайди.

Анжуманда ўзбек ва француз олимлари ўртасида ҳамкорлик Меморандуми имзолашни кутилмоқда.

**БИРГАЛИКДА ЯРАТИЛАДИ**

Бундан ўн йил аввал бу олий ўқув юрти ўз фаолиятини бошлаган эди. Чиндан ҳам бу давр Крим давлат педагогика университети учун ҳар томонлама ривожланиш йиллари бўлди.

Ана шу олий ўқув юртини очишда Тошкент Давлат педагогика университетининг амалий ёрдами катта бўлди. Бу ерда ишлаб турган крим тили ва адабиёти профессор-ўқитувчиларидан бир неча нафари доимий ишлаш учун Кримга юборилди.

Бу эса ҳар икки олий ўқув

юрти ўртасида илмий, ўқув-методик ҳамкорликни янада кенгайтириш учун замин яратди.

Эндиликда қатор дарслик ва ўқув қўлланмаларини биргаликда яратишга ҳам киришилди.

Аббос АЛИБОВЕВ

Германия технологияси асосида юзага келаётган мультимедиялар юқори сифати, тасвир ва овознинг ўта тинчлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистонда яратилган мультимедияларнинг электрон нусхаси Германияда тайёрланди.

**МУСИҚАЛИ  
АУДИО АЛЬБОМ**

«Ўзбекистоннинг анъанавий муסיқаси» деб номланган аудио-СД альбомининг мультимедия нусхасини кўпайтиришни ҳам немис мутахассислари ўз зиммаларига олишди, мамлакатимиз умумтаълим мактабларида муסיқадан ўқувчиларга билим бериш самарадорлигини ошириш мақсадида жамғарма кўпгина тадбирларни амалга оширмоқда. Муסיқа меросини замонавий техника воситалари орқали етказиш ниятида «Ўзбекистоннинг анъ-

анавий муסיқаси» аудио-СД альбоми яратилди.

Ўзбекистон Бадий академиясининг Санъатшунослик институти билан ҳамкорликда тайёрланган мазкур альбом «Шашмақом», «Тургун Алиматов», «Хасан Ражабий», «Бойсун фольклори» деб номланган дисклардан иборат. Альбомнинг мультимедия нусхаси яқин орада кўпайтирилиб, мамлакатимизга олиб келинади.

Муסיқа таълимининг кўргазмали ўқув қуроли бўлиб хизмат қиладиган мультимедиялар альбоми республикамиз мактабларида бепул етказиб берилади.

**КЎҲНА ОБИДАЛАР ЭЪЗОДА**

Мамлакатимиздаги кўҳна обидалар ва тарихий ёдгорликларни асраб-авайлаш, кўркам сақлаган ҳолда уларга боқийлик бахш этиш мақсадида «Европа мамлакатлари тажрибаси асосида физик-кимёвий изланишларнинг янги илмий услубиятини тузиш, Ўзбекистондаги тарихий обидаларнинг архитектура безагини ўрганиш» илмий лойиҳаси яратилди.

— Халқаро аҳамиятга эга бўлган бу нуфузли лойиҳа 2005 йилга қадар давом этади, — деди Тошкент архитектура-қурилиш институти ректорининг ўринбосари Дилшод Латипов «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Ушбу лойиҳа Тошкент архитектура-қурилиш институти ва Германиянинг Мюнхен техника университети ҳамкорлигида яратилди.

Олий ўқув юртлари ўртасидаги ҳамкорлик иккала томон учун ҳам манфаатли бўлмоқда. Янги лойиҳа институтнинг «Қурилиш материаллари ва гидравлика» ҳамда Мюнхен техника университетининг «Аналитики ва ноорганик кимё» кафедралари ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

«Туркистон-пресс»



Тил миллатнинг фахри ва гуруридир. Ҳар бир миллат ва элат ўз тили, дини, миллий урф-одатлари билан гўзалдир. Қувонарли томони шундаки, шахримизнинг барча ўқув масканларида «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган кун муносабати билан қизиқарли адабий-бадий кечалар бўлиб ўтди.

**АСРЛАРГА ЮЗ  
ТУТГАН ТИЛИМ**

Сергели туманидаги 266-мактабда ҳам Тил байрами алоҳида завқу-шавқ билан нишонланди.

— Ўзбек тилининг бутун кўрк тароватини болалар онгига сингдириш, уларни тилга, элга муҳаббат руҳида тарбиялаш бизнинг асосий вазифамиздир, — дейди мактаб директори Инобат Икромова.

Мактаб ўқувчилари ўзларининг тил ҳақидаги шеърлари, сахна кўринишлари, дилрабо кўшиқ ва жозибали рақслари билан кечага янада кўрк бағишладилар.

СУРАТДА: 266-мактабда бўлиб ўтган тадбирдан лавҳа. Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.

**Мақдимои  
ТАРБИЯВИЙ  
АҲАМИЯТИ КАТТА**

Шаҳримиздаги Юрий Гагарин номи кинотеатрда «Шарпа» деб номланган бадий фильмнинг премьераси бўлиб ўтди. Фильм Ўзбекистон кино арбоблари бирлашмаси томонидан суратга олинган.

«Ватанни севмоқ иймондандир» ҳикмати фильмнинг асосий мавзусини ташкил этиб, ундаги воқеалар оддий бир қишлоқда кечади.

Фильмнинг қаҳрамони Сафар ота меҳнатда суюяг қотган қишлоқ оқсоқолларидан. Яккаю ягона ўғли Ҳакимжон хорижда ўқийди. Ўқиш бахонасида нопок йўлга кириб, ватанфурушлик қилиб юрган қишлоқда маълум бўлади. «Шарпа» бадий фильми ўз номи билан ер юзюда санкиб юрган терроризм вабосидан огоҳ бўлишга даъват этади.

Фильмнинг муаллифи ва режиссёри Жаббор Жўраку-

лов. Бош роль — Сафарни Ўзбекистон халқ артисти Обид Юнусов, Ҳакимжон ролини Толиб Мўминов, Қосим Алини эса Муҳаммадjon Узоқовлар зўр маҳорат билан ижро этганлар.

«Шарпа» бадий фильми ёшларимизни Ватанга муҳаббат, уни кўз қорачигидек асраш ва доимо содиқ бўлиш руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

— Бундай буюк туйғуни улар онгига сингдира олсак биз ижодкорлар ўзимизнинг бурчимизни бажарган бўламиз, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Обид Юнусов.

Фильмга Самарқанд шаҳар «Жаҳонжон» хусусий фирмаси, Нурута шаҳар «Бахрий» хусусий фирмаси, «Чашма» чойхонаси ҳомийлик қилган. Янги кино лентаси томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Меҳнат аҳлининг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш касаба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналиши бўлиб, бу хайри ишни амалга оширишда ижтимоий шерикчилик тамойили муҳим аҳамият касб этади. Тошкент шахар касаба уюшмалари Кенгаши раиси Мирзохид Содиқов бу борада амалга оширилаётган ишлар, келгусидаги вазифалар хусусида жамоатчи мухбиримиз Улуғбек Пўлатовга қуйидагиларни сўзлаб берди.

### ИЗЛАНИШ, ЯНГИЛАНИШ ВА ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

— Пойтахт касаба уюшмалари ижтимоий шерикчилик тамойилини амалга оширишни жамиятдаги ўзаро муносабатларнинг асоси деб билиб, қонун чикаручи ва ижро этувчи ҳокимият, нодавлат ва жамоат ташкилотлари, иш берувчилар бирлашмалари, ҳуллас, меҳнатни иқтисодий, ижтимоий ва маънавий тоифа сифатида билан қилувчиларнинг барчаси ҳамда ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ана шу мақсадда 2000 йилда Тошкент шахар ҳокимлиги ва шахар касаба уюшмалари Кенгашининг 2000-2002 йилларда аҳоли ва меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш масалалари бўйича ҳамкорлиги ҳақида битим қабул қилинди. Битим шартларининг бажарилиши бўйича 2002 йил мобайнидаги ижроси шахар касаба уюшмалари Кенгашининг раёсатида, шахар ҳокимлиги билан биргаликда муҳокама этилди ва 2003-2004 йилларда аҳоли ҳамда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ҳамкорлик ҳақидаги қилишув қабул қилинди.

2002 йилда шахар касаба уюшмалари Кенгаши таркибига кирган 9545 та юридик шахс мақомига эга бўлган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг 3060 тасида жамоа шартномалари қабул қилинган бўлиб, тўрт мингга яқин бошланғич ташкилотларга нисбатан таъбиқ этилди. Улар орқали деярли ярим миллион меҳнаткашлар манфаатлари қамраб олинди. Бундан ташқари тармок касаба уюшмаларининг Тошкент шахар қўмиталари ва шахар миқёсидаги давлат идоралари, бош бошқармалари ўртасида 27 та қелишувлар қабул қилинди.

Қабул қилинган жамоа шартномалари ва қелишувларининг йил якунлари бўйича бажарилиши шахар касаба уюшмалари Кенгаши ва шахар қўмиталари томонидан мунтазам равишда таҳлил қилиб борилмоқда.

Йил мобайнида жамоа шартномалари ва қелишувларининг зарда тутилган бандлик масалалари бўйича тадбирларни амалга ошириш орқали шахардаги 402 та корхона ва ташкилотларда иш берувчилар ҳисобидан 5 минг 500 нафар ходимлар қайта ўқитилиб, ўз малакаларини оширишда ҳамда янги касбларни ўргандилар, 1338 та янги иш ўринлари барпо этилди. Меҳнат бўлимлари орқали етти минг етти юз нафардан зиёд фуқаролар ишга қайтарилди. Қўлаталаштирилган иш жойлари ҳисобига бир ярим минг нафардан ортқ ногирон, меҳнат бозорида рақобат қила олмайдиган кишилар иш билан таъминландилар.

Мамлакатимизда 2003 йил Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши муносабати билан тасдиқланган Давлат дастурини амалга таъбиқ этиш юзасидан шахар касаба уюшмалари Кенгаши томонидан тадбирлар ишлаб чиқилиб, тармок шахар қўмиталарига юборилди.

Биринчи ярим йилликда шахар корхона, ташкилот ва муассасалари жойлашган маҳалла-

ларда истиқомат қилаётган кам таъминланган, кўп болали меҳнаткашларга ҳаракатдаги жамоа шартномалари доирасида моддий ва ҳайрия ёрдамига жами бўлиб 95 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланган. Оталиққа олинган кам таъминланган, ёлғиз, ногирон, кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида умумхалқ байрамлари арафасида бир ярим миллион сўмдан ортқ моддий ёрдам кўрсатилди. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларига эга бўлган корхоналар оталигидаги маҳаллаларнинг кам таъминланган, кўп болали, ёлғиз оилалар фарзандларига 135 донга йўлланмалар бепул ажратилди.

Жорий йил март ойининг ободонлаштириш ва кўчаларнинг ямшиштириш ойлуги деб эълон қилинганлиги ва шу йилнинг 15 мартида умумхалқ хайрия ҳаширани ташкил қилиш тўғрисидаги курсатмаларга амал қилиб, шахар касаба уюшма ташкилотлари жойларда меҳнаткашларнинг бу тадбирларни ўтказишга юқори кўтаринкилик билан ёндошиши ва белгиланган ишларни тўла бажарилиши таъминлаш юзасидан амалий ва ташвиқот ишларини олиб бордилар. Бажарилган ишлар бўйича «Маҳалла» жамғармасининг ҳисоб рақамига 155 миллион сўмдан зиёд маблағ ўтказилди.

Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлув деб бежиз айтилмайди. Мақтаб таътилининг киши, баҳорги ва ёзи кунларида 59 та болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 42 минг нафар ўқувчи, шу жумладан бепул йўлланмалар билан Орлол буйи минтақасидан 2500 нафар болла, меҳрибонлик уйларининг 500 нафар тарбияланувчилари, Мустиқиллик байрами тантанасининг 960 нафар иштирокчилари дам олдилар, имтиёзли йўлланмалар билан касаба уюшмалари болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг 500 нафар ўқувчилари, Чернобил ҳалокати ва афгон воқеалари қатнашчиларининг 90 нафар фарзандлари соғломлаштирилди. Бундан ташқари деярли олти минг нафар болалар ва ўсмирлар идораларининг оромгоҳларида оғир хаста болаларни биргаликда санаторий, дам олиш уйлари ҳамда дам олиш масканларида ҳордиқ чикардилар.

Меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзолари ўртасида жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатининг ривожланиб бориши ҳам ижтимоий шерикчилик доирасида амалга оширилмоқда. Касаба уюшмалари ташаббуси билан уюштирилаётган барча спорт тадбирлари шахар спорт қўмитаси, спорт турлари бўйича федерациялар, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилмоқда. Бу ҳамкорлик билан тарафдан меҳнаткашларни соғломлаштиришга хизмат қилса, иккинчи тарафдан спортчиларимиз ютуқлари орқали мамлакатимиз нуфузини жаҳонга ёйишга хизмат қилмоқда.

Иш ҳақидан қарздорлик ҳозирги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланиб, уни ижобий ҳал этиш учун барча зарур

чора-тадбирлар шахар ҳокимлиги ва шахар касаба уюшмалари Кенгаши томонидан амалга оширилмоқда. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида мавжуд иш ҳақидан қарздорликнинг қурилиш ташкилотларида 150 миллион сўмга, «Тошметр» қурилиш корхонасида 151 миллион сўмга, «Сувос» унитар корхонасида 181 миллион сўмга қайтарилган эришилди. Мазкур масала доимий диққат-эътиборда бўлиб, унга катта маъсулият билан ёндошган ҳолда қатор тадбирлар илчиллик билан амалга оширилмоқда. Бозор муносабатлари шартинида ҳуқуқий саводхонлиқни ошириш, ҳуқуқий онгни юксалтириш, ҳуқуқий маданиятни кенгайтириш долзарб масалалардандир. Чўнқи, мазкур йўналишлар ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишда қатор катта аҳамият касб этади. Ҳуқуқ соҳасида 2002 йил мобайнида шахар давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг бажарилиши устидан 99 та, жорий йил бошидан 53 та корхонада текширув ўтказилди, уларга меҳнат қонунлари талабларини бузганлиги учун жами икки ярим миллион сўмдан зиёд маъмурий жарима солинди, унинг бир ярим миллион сўмдан ортқ миқдори ундирилди. Касаба уюшмалари иш ҳақидан қарздорлик масаласига маъсулият билан ёндошиб, туман ҳокимликлари, туманлардаги мувофиқлаштирувчи кенгашлар ва меҳнат бўлимлари ҳамда прокуратура органлари билан ҳамкорликда мазкур масалани ижобий ҳал этиш учун борма имкониятларни ишга солиб, қатъиянлик билан меҳнат қилмоқдалар.

2002 йилда ва жорий йилнинг биринчи ярим йилида шахар касаба уюшмалари Кенгаши ва тармок касаба уюшмалари оид қўмиталарига иш ҳақидаги шартномаларни мезбўлтиришининг таъбиқ этиш ҳамда ишдан бўша-тишга доир 159 та ёзма ва 591 та оғзаки ариза ва шикоятлар тушди. Тушган ёзма мурожаатлардан 116 таси ижобий ҳал этилиб, 36 та аризага тушунтиришлар берилди. Аризаларни қўриб чиқиш жараёнида айрим иш берувчилар томонидан меҳнат қонунлари талабларининг кўпол равишда бузилаётганлиги аниқланди. Қонунларга зид равишда ишдан бўшатилган 16 нафар меҳнаткашлар қайтадан ўз ишларига қайтарилди.

Шаҳардаги корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Қонунилари талабларни бузилишларининг олдини олиш мақсадида семинар ва ўқишлар ташкил этишга эътиборимизни қўйиштиришимиз мақсадга мувофиқдир. Меҳнат аҳлининг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳамкорларимиз билан биргаликда муштарак, эзгу мақсадлар учун ижтимоий шерикчилик тамойилини ҳаётга таъбиқ этиш ҳамда ривожлантириш фаолиятимиздаги асосий йўналиш-изланиш, янгилашни ва ислохотлар йўлидаги олға интилиш бўлиб ҳисобланади.

Университет талабаларидан


### КОЛЛЕЖДА СПОРТ ОММАЛАШМОҚДА

Ёшларнинг ҳар жиҳатдан соғлом, бақувват ҳамда етук ҳолда вояга етишида спортнинг аҳамияти каттадир. Спорт ёшларни чиниктиради, уларни эзгу мақсад сари етаклайди ва бўш вақтдан унумли фойдаланишга ўргатади.

Бу борада Тошкент юридик коллежида амалга оширилаётган ишлар эътиборга лойиқдир. Ўқув юрти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан ушбу масалага жиддий аҳамият берилмоқда.

Яқинда мазкур ўқув масканида Обод маҳалла йилига бағишлаб спортнинг 12 тури бўйича мусобақалар ўтказилди. Турнирнинг тантанали очилиши чиройли ҳамда мазмунли маданий-спорт байрамига айланди. Коллеж раҳбари, юридик фаълари номзоди Мухаррам Сатторова тадбир қатнашчиларини самимий

табриклаб, мусобақаларда омад тилади. Яшил майдонда ҳаяжонга бой, кескин қураллар остида ўтган мусобақалар ҳеч қимми бефарқ қолдирмади. Айнақса, миллионлар ўйини — футбол, лусобақ катта қизиқиш ўйотиб, барчага бир олам Зағ-шавақ бағишлади. Футбол турнирида биринчи ўринни 124-гуруҳ ўйигитлари, иккинчи ўринни 102-гуруҳ футболчилари ҳамда раҳрли учинчи ўринни эса 115-гуруҳнинг чарм түп ихлосмандлари эгалладилар. Футбол жамоаларига коллеж раҳбариятининг мақтов ёрликлари, эс-



## ИЖТИМОЙИЙ ХИМОЯ

### Тошкент шахар Касаба Уюшмалари Кенгаши Саҳифаси

### ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАЛАРИ АСОСИДА

Тошкент Давлат педагогика университетида олиқ-ўқув юрти жамоаси, хусусан талаба-ёшларни ижтимоий ҳимоя қилишга маъмурият ва Бирлашган Касаба Уюшма Қўмитаси томонидан катта эътибор берилмоқда. Университетда тахсил олаётган талабаларнинг 4513 нафари пуллик шартнома асосида ўқийтгани инобатга олина, ижтимоий ҳимоя масаласи нақада долзарб эканлигини аниқлаш қийин эмас. Университет Бирлашган Касаба Уюшма Қўмитасида барча талабаларнинг оилавий аҳволи, ижтимоий, иқтисодий ҳимояга эҳтиёжи ўрганилган маълумотнома мавжуд.

Университетда Академгруппа факультети касаба ташкилотларининг тавсияси билан фаоллаштирилган рағбатланиш, моодий ёрдамга муҳтожларга қўмақ кўрсатиб туриш маъмурий мавжуд. Биргина ўтган ҳимоя йилида университет маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси томонидан 1000 га яқин талаба-ёшлар фаоллиги тўғрисида рағбатланган бўлса, 1843 нафар талабага моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатилган.

Университет маъмурияти билан Бирлашган Касаба Уюшма Қўмитасининг жамоа аъзолари ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишга қара-тилган ҳамкорлик шартномалари мавжуд бўлиб, шартномалар ликаси Қонунилари талабларни бузилишларининг олдини олиш мақсадида семинар ва ўқишлар ташкил этишга эътиборимизни қўйиштиришимиз мақсадга мувофиқдир. Меҳнат аҳлининг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳамкорларимиз билан биргаликда муштарак, эзгу мақсадлар учун ижтимоий шерикчилик тамойилини ҳаётга таъбиқ этиш ҳамда ривожлантириш фаолиятимиздаги асосий йўналиш-изланиш, янгилашни ва ислохотлар йўлидаги олға интилиш бўлиб ҳисобланади.

Университет талабаларидан

Президент стипендияси соҳиб бўлган бўлса, ушбу ўқув йилида II-курс магистранти Мунис Уроқова шу стипендияга эришди, 800 нафардан ортқ алочи талабалар бўлиб, уларнинг 70 нафарга яқини турли олимлар номидаги стипендиялар соҳиб ҳисобланади. Алочи иқтисодий талабаларга чет тилларини, компьютер технологияларини муқаммал ўзлаштириш учун қўшимча дарслар ташкил этилган. Ўтган ўқув йилида алочи иқтисодий талабалардан 17 нафари Республика талаба-ёшлари олимпиадаси қўлиблари бўлди.

Университетда талаба-ёшларнинг бўш вақтларини мазлумли ўтказиш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар ойда университет талабалари шахримиздаги концерт залларида, кинотеатрларда ва музейларда бўлишади. Биргина ўтган ўқув йилида университет талаба-ёшларидан 500 нафарга яқин Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон каби тарихий шаҳарларга саёҳат қилдилар.

Хуллас, юртимизда таълим жараёни янги ҳаётга таъбиқ босқичига кўтарилаётган бир пайтда кўп минг кишилик Низомий ноҳиясидаги Тошкент Давлат педагогика университетиди талаба-ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг замон талаблари даражасидаги билимларни эгаллаши борасида кўнгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Раҳим ШОНАЗАРОВ, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети Бирлашган Касаба Уюшма Қўмитаси раиси.

Университет талабаларидан

### ТАЛАБАЛАР ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРДА

Ёшларнинг пухта билим олиб, барқамол инсон бўлиб етиши олиқ мақсадиим ҳисобланиб, бу борада қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг хоҳиш-истаклари инобатга олингани ҳолда Тошкент тўқимачили ва энгил саноят институти томонидан турли тадбирлар ўтказилмоқда. Шулардан бири — Алишер Навоий номидаги санъат саройида бўлиб ўтган «Муҳаббат синовлари» фильми премьерасига жамоа бўлиб борилди. Институт анжуманлар залида аънавий «Талабалар ижтимоий — 2003» факультетларга қўриқ-танлови ўтказилди. Юртимизнинг энг гўзал байрамларида хисобланган Наврўз байрамида «Энг шинам ва ораста талабалар ўйи», «Энг яхши қават», «Энг ораста талабалар хонаси» деб номланган қўриқ-танлов қўлибларига талабалар касаба уюшмаси ва институт жамоаси томонидан совғалар берилди.

Тошкент тўқимачили ва энгил саноят институти қошида йил бўйи ўқитувчи-профессор ва талабаларга хизмат кўрсатадиган шиофхона мавжуд ва ёзи таътилда уларнинг мириқиб дам олишлари учун Тошкент вилояти, Ўстонлик тумани, Хумсон қишлоғида жойлашган «Роҳат» дам олиш ва соғломлаштириш масканлари бор. Шиофхона ҳар ойда стационар даволлаш учун 40 нафар талабаларни ўз қарамоғига олади. Талабалар билан сўҳбат ўтказиш орқали қўмакка муҳтожлари аниқланиб, уларга моддий ва маънавий ёрдам берилди. Отанаси вафот этган талабалар касаба уюшмаси ва институт жамоасининг доимий диққат-эътиборида. Талабалар турли мусобақаларда, жумладан, каратэ, бокс бўйича фақрли ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Ғафқулла МАҲҚАМОВ, Тошкент тўқимачили ва энгил саноят институти касаба уюшма қўмитасининг раиси.

### Ёшлар — келажакимиз

Талабалар уйларидаги «Маънавият ва маърифат» хоналари юмшоқ мебель, стуллар, гилам, телевизорлар билан жиҳозланган, зарур ўқув адабиётлари, бадиий китоблар, газета ва журналлар билан таъминланмоқда.

Университетнинг 23-сонли талабалар уйида радиоюзел ўрнатилган бўлиб, унда кундалиқ ахборотлар, бирлашган касаба уюшма қўмитасининг янгиликлари, маънавий-ахлоқий, тарбиявий мавзулардаги эшиттиришлар бериб борилмоқда.

Талабалар уйларида ўтказиладиган маънавий-маърифий, тарбиявий ишларнинг 2000-2003 йилларга мўлжалланган дастурига кўра барча тадбирларда, кафедра ҳафталиклариди талабаларнинг миллий кадрлар, урф-одатларимизга, Ватан, эл-юрт тақдирини учун дахлдор эканликларини тўлиқ ҳис этишлари орқали қўлиб келган, етук мутахассисларга айланишларига қаратилган мажмуали ёндошув асосида турли мавзуларда тадбирлар ташкил этилмоқда. Масалан, 2001-2003 йилларда Ватан ҳимоячилари кўнига бағишланган «Ватанни ҳимоя қилиш — муқаллас бурч» мавзусида катта тадбирлар бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан ўтказиб келинди.

Мафралар томонидан «Тарих ва маънавият», «Инсонни асраш, дуслар», «Исломи дини ва маънавият», «Молла ва солиқ», «Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолияти», «Ёшлар ва дин», «Диний экстремизм ва уюшган жиноятчилик», «Миллий мафкура ва ёшлар» ва бошқа шу каби турли мавзуларда тадбирлар ўтказилиб борилади. Талабалар уйларида 2000-2003 йиллар давомида жами бўлиб, 210 га яқин мавзуларда тадбирлар ўтказилди.

### КЕНГ ҚАМРОВЛИ ТАДБИРЛАР

Талабалар айниқса, талабалар уйларида истиқомат қилаётган бўлғиси ёш мутахассисларнинг камол топиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун Тошкент Давлат иқтисодий университетида қатор тадбирлар режа асосида амалга оширилмоқда.

Талабалар айниқса, талабалар уйларида истиқомат қилаётган бўлғиси ёш мутахассисларнинг камол топиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун Тошкент Давлат иқтисодий университетида қатор тадбирлар режа асосида амалга оширилмоқда.

Миллатнинг жисмоний ва руҳий соғломлиги-ҳавзаси қурилди. Иккита спорт зали тўла таъмирланди. Соғлом турмуш тарзини ҳаётга таъбиқ этиш, ёшларни турли хил зарарли оқимлар ва гиёвандликдан сақлашда спорт фойдаланиши аҳамият касб этиб, муҳим таъсирчан тарбиявий воясига, севимли машғул сифатида талабалар ҳаётининг ажралмас қисмига айланган. Қизи келганда айтиш керакки, спортчи-талабаларимиз эришган ютуқлари билан барчани қувонтириб, мамлакатимизнинг спорт шаънини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилмоқдалар.

Университетимиз талабаларидан 21 нафари Бухорода ўтказилган «Универсиада-2002»да фаол қатнашиб, кураш, дзюдо, сузиш, баскетбол ва спортнинг бошқа турлари бўйича 12 та олтин, 1 та кумуш, 5 та бронза медалга эришди, жами 18 та медални қўлга киритдилар. Бу эса соғлом авлодни тарбиялашда қатор ютуқларимиздан бўлиб, 210 га яқин мавзуларда тадбирлар ўтказилди. Ушбу тадбирларнинг барчаси Ватанимизнинг равнақи, жаҳон мамлакатлари ўртасидаги қўриқ, келажак буюк давлатимиз тараққиётида ёшларнинг турган ўрни қилиб мавзуларга бағишланди. Талабалар уйлари ички тартиб-қоидаларни, талабалар бурчларини, Президент Фармонларини, байрам дастурларини доимий ўзида акс эттириб туривчи кўрғазмали стендлар билан безатилган.

Университетда «Маънавий-маърифий тарбиявий ишларни ташкил этиш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Ботир Мардонов Туркия ва Сурия мамлакатларида бўлиб ўтган халқаро турнирларда қўлиб чиқди.

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит факультетининг талабаси Н.Ғаляков бодибилдинг спорт тури бўйича Осие чемпиони ва бир нечта халқаро турнирлар қўлиб чиқди.

2003 йилнинг 4-6 апрель кунлари Термиз шаҳрида Хаким Ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро кураш мусобақаларида университетимиз талабалари ҳам қатнашиб, халқаро

бизнес факультети талабаси Абдулла Тангриев Президент соврини соҳиб бўлиб, «Нексия» автомобили билан тақдирланди. Абдулла Тангриев дзюдо бўйича шу йил сентябрда Жанубий Кореяда ўтказилган жаҳон университети асосида олтин медалга, Япониянинг Осака шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида эса бронза медалига эга бўлди. Талабаимиз Дилшод Мансуров АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида эркин кураш бўйича ўтган жаҳон чемпиони таътида олтин медални қўлга киритди. Бу спортчилар университет томонидан моддий рағбатлантирилди. Хозирги кунда Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Универсиада-2004» спорт мусобақаларида та й ёрғарлик юқори савияда олиб борилмоқда.

Миллатнинг жисмоний ва руҳий соғломлиги-ҳисобланган жисмоний-тарбия машғулоти ва спортга ёш авлод ва ўсмирларни омвий жалб этиш тўғрисидаги университетнинг «Жисмоний тарбия ва спорт ишларини яхшилаш ва юксалтириш» концепцияси муҳокама этилди ва қабул қилинди. Ушбу концепцияни қабул қилиш ва амалга ошириш жараёнида бирлашган касаба уюшма қўмитаси ўзининг ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ёрдамини бериб келмоқда. Университетда шахмат ва шашка, дзюдо ва кураш, теннис, стол теннисини, сузиш ва армрестлинг, каратэ ва қўл жангги, футбол, баскетбол, шейпинг каби спорт турлари мавжуд бўлиб, университет талаба ва магистранти, гимназия ва лицей ўқувчилари уларга қатнашиб келмоқда. Юқорида номи кўрсатиб ўтилган ҳар бир спорт турлари бўйича бирлашган касаба уюшма қўмитаси ташаббус билан университет миқёсида факультетларо турли хил мусобақалар ўтказилиб келинмоқда. Жумладан, футбол, волейбол, баскетбол, теннис, шахмат, шашка, каратэ, қўл жангги, миллий кураш бўйича ўтказилган мусобақаларда жамоа ёқи якка тартибда қўлиб бўлган иштирокчилар бирлашган касаба уюшма қўмитасининг махсус, қимматбаҳо совғалари, муқофотлари билан тақдирландилар.

Ёшларимизнинг жисмонан бақувват, кучли, жасур ва қимли инсон бўлиб шаклланиши учун университет ректорати, бирлашган касаба уюшма қўмитаси, жисмоний тарбия ва спорт кафедраси ва «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти турли хил спорт мусобақаларини мунтазам ташкил этиб, уларнинг жисмонан ва руҳан тарбияси топишлари учун ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Ислом САМҒАНАЗАРОВ, Тошкент Давлат иқтисодий университети бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси.

**Турфа олам**

**БЕМОР СОҒАЙИБ КЕТДИ**

Клаус Балдовер Карлсрусда истикомат килувчи радиомухандис. Жуда истеъдодли бўлсада, саломатлиги биров халигидай... У 13 ёшидан бери қаттиқ бош оғриғидан азоб чекади. Қон босими юқори, узоқ вақт даволаниши ҳам унга ҳеч қандай натижа бермади.

Шундан кейингина Клаус фамилиясини ўзгартиришга қарор қилади. Чунки «балдовер» сўзини немис тилдан таржима қилсак «муттахам», «ўғри», «ҳийлагар», «кўзбўямачи» деган маънони аңглатар экан. Бир ойдан сўнг Клаус немислар учун қолипсимон фамилияга — Майер фамилиясига ўтади. Яна икки ой ўтгач унинг қон босими яхшиланади, бош оғриғи қолади, уйкуси ҳаловатли бўлади.

Врачларнинг таъкидлашича, Клаус ўзининг хунук фамилиясидан жуда уялиб юрар, қаттиқ асабийлашар экан. Бу эса унинг бош мияси ҳамда асаб тизимига таъсир этмай қолмаган. Мана шу салбий омил бартафрат элтигач эса мия фаолияти ўз аслага кайтган.

**СОЧИНГИЗНИ ЮВМАНГ**

Сочни ювишдан зарарлироқ юмуш бўлмаса керак. Подгорина шахрида истикомат килувчи 60 ёшли Зора Кркович атайин Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олиш учун сочини 155 сантиметр узунликда ўстриган.

Унинг фикрича, сочни ювиш жуда зарарли эмаш. Шунинг учун ҳам онахон сочларини йилига уч мартадан ортиқ ювмас экан. Унинг ҳамюрти Блага Влакович ўзининг 45 йиллик умри давомида атиги икки марта соч ювган. Тўғри, у таркиби ўта махфий сир сақланувчи совундан фойдаланар экан.

**ИҚРОП**

Жазоир пойтахтидаги турар жойларнинг бирيدا ўсмир бола барчага хатжилд тарқатиб юргани негадир киши эътиборини ўзига жалб этди.

Қани, хатжилд ичида қандай ёзув бор экан? «Бунинг ҳаммаси мен умрим бўйи йўл қўйган муттахамлигим учун. Мумкин бўлса, кеңиринг мени». Ие, мўмайгина пул ҳам бор-ку хатжилд ичида!?

Ушбу мактубнинг эгаси бўлиши қассоб олти йил давомида харидорларнинг ҳақиқа ҳиёнат қилиб, гоҳ тошдану, гоҳ ҳамёндан уриб қолган экан. Энди эса виждони қийналиб харидорлар пулини қайтариш билан овора.

Қани энди, ҳамма (бизнинг ҳам) қассоблар ундан ўрناق олишса!

**Ножқўй иш — келтирар ташвиш**

...Деворлари қора ойналар билан қопланган ҳашаматли банк биносининг эшиги атрофида тумонат одам. Тўпланганлар асосан шу ерда ташкил қилинган пул алмаштириш шохобчасига келишган. Уларни зимдан кузатиб турган Гўзалнинг нигоҳи ноғохон кўк рангли сумка кўтариб олган тахминан етмиш ёшлардаги бир кампирга тушди. «Балки менга насиб қилинажак ўлжа шудир», дея хаёлидан ўтказди у ва кампирни кузатишда давом этди. Бир маҳал «ўлжа» банкнинг ортида жойлашган тўққиз қаватли уйлар томон йўл олди. Уни қўлдан чиқариб юбормасликка аҳд қилган Гўзал ҳам унинг изидан борди. Ахир омади чопадиган бўлса, нақд бир сумка пулнинг эгасига айлангани ҳеч гапмас. Шу зайл биров кўрқув ва ҳаяжон билан кампир кирган йўлақдан ичкарига юра бошлаган Гўзалнинг энди қўлоёқлари негадир титрарди. Зиналар орқали тепага кўтариларкан, лифтининг нечанчи қаватда тўхташи ва кузатаётган одами қайси хонадонга кириб кетишини аниқласа бўлгани. У ёғи бир гап бўлар...

Олтинчи қаватдаги олтимши олтинчи хонадонга кириб кетган ҳалиги кампир ортига қайтиб чиқмади. Демак, у шу ерда яшайди. Нима бўлганда ҳам ушбу кўз остига олган ўлжасини қўлга киритишга қарор қилган Гўзал йўл-йўлақай тузган режасининг асосий қисмига ўтди. Эшик кўнғироғини босиб, «Ким у?» дея, ичкаридан берилган салволга жиддий овозда: «Биз аҳолини рўйхатдан ўтказиб юрибмиз. Илтимос, паспортларингизни кўрсатингизлар», — дея жавоб берди. Орадан ярим дақиқа вақт ўтмай эшик очилди. Шу дамда шундоққина йўлакчадаги кийим жавонига суяб қўйилган кўм-кўк рангли сумкага кўзи тушган сохта уй-жой мулкдорлари ширкати «ходими»нинг кўзларидан олов чиқиб кетаёзди. Ичкаридан сочлари оппоқ, қадди эгилган, ёши анчага бориб қолган хонадон соҳиби унга сўралган ҳужжат-

**КУТИЛМАГАН МЕҲМОН**

**Миробод тумани ички ишлар бошқармаси навбатчилик қисмига Пирмухамедов кўчасида жойлашган хонадонларнинг бирига кириб, талончилик жиноятини содир этган Гўзал исмли қиз милиция ходимлари томонидан ушлаб олиб келинди.**

ларни тутқазди. Аммо Гўзал шу дамда чолнинг кўксига зарб билан урди-да, ҳалиги кўк рангли сумкани олиб, ташқарига отилди.

Ошхонадан бир пиёла чой ичиб чиққунгача бўлган қисқа лаҳзаларда аввалига нима бўлганини тушунмаган кампир пулларининг ўғирланганлигини билгач, эшикка югурди. «Ердам беринглар, ўғри...» дея, қўшнилари чақирди. Кутилмаган зарбдан энди ўзини ўнглай олган бечора чол ҳам аранг лифт олдиғача келди.

Ўлжасини маҳкам сиққанича лифт эшиги очилиши билан кўчага отилган Гўзал қаршисида пайдо бўлган қўшниларга ҳам тутқич бермади. Аммо ҳовлида яна икки-уч киши унинг олдини тўсиб, қочиб қолишига йўл қўймадилар.

«Нима бўлганда ҳам энди чекиниш ярамайди. Бир амаллаб ана шу вазиятдан кутулсам бўлгани», дея жон ҳолатда қочаётган Гўзал қўшни уйнинг йўлагига кириб кетди. Зиналар орқали охириги қаватга кўтарилиб, томга чиқиб кетмоқчи эди, аммо унинг эшигига катта қулф осилган экан.

Гўзал яширинган уйнинг йўлаги қаршисида анчагина одам тўпланди. Бирок ҳеч кимнинг талончи кизнинг ортидан боришга ҳадди сизмасди. Чунки, саксон ёшли қарияга қўл кўтариб, пулларини олиб қочган бу қиздан ҳар нарсани кутиш мумкин. Кимдир милицияга хабар берди. Орадан кўп фурсат ўтмай ушбу ҳудудда хизмат олиб бораётган пост-патруль хизмати ходимлари ва Миробод тумани ички ишлар бошқармасининг тезкор вакиллари воқеа жойида ҳозир бўдилар. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида ўзгалар мулқига кўз олайтирган Юнусобод туманида яшовчи, бирон жойда ишламайдиган Б.Гўзал исмли ушбу шахс далили ашёлар билан қўлга олинди.

Кексайган чоғида тан жароҳати олиб ва сал бўлмаса, 2.000.000 сўм пулларидан ажралиб қолаётган Миробод тумани, Пирмухамедов кўчасида истикомат килувчи саксон ёшли нафақадор Магаметтагир Дашдемиров талончини қисқа фурсатлар оралигида тутишга муваффақ бўлган Миробод тумани ички ишлар ходимларига ўз миннатдорчилигини билдирди.

**Самариддин ХАЛИЛОВ, Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази инспектори.**

**ФИЛЬМЛАР ТАҚДИМОТИ**

**Республика Киночилар уйида Илмий-оммабоп ҳужжатли фильмлар киностудияси томонидан тасвирга олинган “Юлдузларга интилиб”, “Устанинг тўрт кўни” видеофильмларининг тақдимот маросими ўтказилди.**

Режиссёр Ҳожимурод Валиевнинг “Юлдузларга интилиб” фильми физика-математика фанлари доктори, профессор Шавкат Воҳидовнинг фаолиятига бағишланган. Маълумки, академик Шавкат Воҳидов Нью-Йорк, Россия фанлар академияларининг академиги ҳисобланади. Фильмда профессорнинг космик машинасозлик соҳасига киритган ангилликлари, кашфиётлари, яратган турли мосламалари ҳақида ҳикоя қилинади. Академик Шавкат Воҳидовнинг ташаббуси билан мамлакатимизда унинг номидаги Халқаро аэрокосмик мактаб фаолият юритмоқда. Ўтган йиллар мо-

байнида олим кўпгина шоғирларни ҳам воёга етказди. — Ўтган йили Шавкат Воҳидов етмиш йиллик юбилейини нишонлаганди, шу баҳона у киши ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб фильм олиш гоёси пайдо бўлди, — деди режиссёр Ҳожимурод Валиев “Туркистон-пресс” муҳбирига. — “Юлдузларга интилиб” фильмидаги маълумотларни Тошкент авиаторининг архивларида мавжуд видео тасвирлар ва НАСА (АҚШ) нинг кино-фотоматериалларидан олдиқ. Ушбу фильми яратилган асосий мақсад халқимизга Шавкат Воҳидов каби олимларнинг мамлакатимиз ра-

нақи учун қилаётган хизматларини намойиш қилишдир.

“Устанинг тўрт кўни” номли фильмнинг режиссёри Жасур Исоқов бўлиб, филм кўкнлик устанинг тақдирига бағишланган — Фильмда уруш қатнашчиси Муҳаммадхон Юсупов бош ролни ижро этган, — деди режиссёр Жасур Исоқов. — Уста урушдан қайтган, она шахрида кичик устакхона очиб, мотоцикл, велосипедларни созлайди. Мен Муҳаммадхон Юсупов билан бир фильмин тасвирга олиш вақтида танишиб қолгандим. Уста ушбу фильмдан ташқари бошқа бир қатор фильмларда ҳам роллар ижро этган.

Мазкур фильм қаҳрамонларининг ҳаёти турлича, бири оддий уста бошқаси эса олим, аммо иккаласи ҳам ўз ишларининг усталаридир.

“Туркистон-пресс”

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

2003 йил 27 октябрдан

«Удавцирк» республика бирлашмаси  
Тошкенбой Эгамбердиев номли  
Тошкент Давлат цирки

2003 йил 31 октябрдан

**НИКУЛИН ЦИРКИ ИШТИРОКИДАГИ ЕВРО ЦИРК**

Супер шоуи қуйидаги томошаларни кўрсатади:

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК БОР**  
Россияда хизмат кўрсатган артист Николай Тимченко раҳбарлиги остида

**ПАТАГОН ДЕНГИЗ ШЕРЛАРИ**  
Ўргатилган ҳайвонларнинг қувноқ карусели айқлар, маймунчалар, пахана отлар, эшаклар, қучуқлар

**ШЕРЛАР + ЙЎЛБАРСЛАР**  
аттракцион

қулги қироллари

**«СЭМ» маскаробозлар гуруҳи**  
Директор, бадий раҳбар — хизмат кўрсатган маданият ходими Баҳром Жалилович Мажидов

Томошалар: иш кўнлари соат 18.00 да; шанба ва яқшанба кўнлари соат 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади.

Чипталар цирк кассаларида сотишмоқда.  
Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.  
Касса арталари соат 9.00 дан ишлайди.  
Маълумот учун телефонлар: 144-29-04, 144-35-91, 144-32-23

**oytaxt**  
INFORM FM 107.2

132-26-44 132-26-45

Кўнгили учун мусиқа, мулоҳаза учун ахборот. Пойтахт ўз радиосини танлайди «Пойтахт-Информ».

**«Тошкент оқшоми»**  
Эълоилар шанба ва яқшанбадан ташқари  
хар кўни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.  
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.  
Факс: (3712) 133-29-09.  
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204хона.

**Зеболик сирлари**

**ЎЗИНГИЗ ТЕРИСИ МАЙИНМИ?**

Оддий юз териси эластик, силлиқ ҳолатда бўлиб, ҳатто совун билан ювганда ҳам ўз хусусиятини йўқотмайди. Бунга ишонч ҳосил қилмоқчи бўлсангиз қоғоз салфетка билан юзни артиб кўришингиз мумкин. Унда ёғ доғлари қолмаган бўлади. Рисоладаги юз териси ҳеч қандай парварिशга муҳтож эмас. Тозаликка риоя қилинса кифоя.

Қуруқ юз териси жуда юпка бўлиб, қуруқшаб, баъзан шўралаб қолади. Ҳатто совунсиз ювилганда ҳам юз териси тиришда бўлиб туради. Бундай одамлар ёши улғайган сайин юзидаги ажинларни кўпаяди. Шунинг учун улар дармондорили маскалардан фойдалансалар яхши натижа беради.

Ҳаддан зиёд ёғли тери тез қирланади. Бундай терини совунлаб ювиш мақсадга мувофиқ. Шунда теригаги ёғли қирлар кетиб, юз гўзаллашади. Бундай терига хар хил кремлар суртишнинг ҳожати йўқ. Шунинг учун тез-тез совунлаб ювиш тавсия қилинади.

Шарқ дурдоналари

**ОЗ ОЗ ҲАҚИДИ**  
Дона бўлди...

Бир доғишманд дебди:  
— Сопол жомнинг бутунлиги чертиб билинганидек, одамга ҳам гапирган гапига қараб баҳо берилади.

● Ҳаёт дарсини ўқиб, олим бўлганда ҳам, яна бошқа билмаганларини сўраб ўрганиш доғишмандлик белгисидир. Бу хусусда бир олим шундай деган экан:

— Менинг билимим мукамал эмас, чунки ўз вақтида ўзимдан бир поғона паст одамларга савол беришга бўйини ёр бермади. Эндликда истардимки, менинг шогирдларим барча ноаниқ масалалар бўйича ўзларидан бир поғона паст одамларга мурожаат этишни айб деб билишмасин. Уларнинг билимлари ўшандагина мукамал бўлади.

Байт:  
**Кимки ўрганишни уят — ор демас,**

**Сувдан дур топади, тошдан лалъ олмос.**

Шайх Саъдий айтди:  
— Хунарсиз киши улуғликка мос эмасдир. Мард кишилар саъй-ҳаракат қилиб мақсадларига эришадилар. Эй хунарсиз киши, сен фақат нафсингни парвариш қилиш билангина қаерга етмоқ истайсан?

Энг аввал либосга белги, нишон кўйдирган ва бармоққа узук таққан киши Жамшид подшоҳ эди. Ундан:

— Нима учун ҳамма оройиш, зебу-зийнатни чап қўлингга бердинг? Ҳолбуки, фазилат ўнг қўлингдандир, — деб сўрадилар. Жамшид уларга:

— Ўнг тарафнинг ўнглик зийнати ўзига кифоя қилади, — деб жавоб берди.

Бир улуғ одамдан:  
— Ўнг қўлнинг фазилатлари жуда кўп бўлса ҳам, нима учун узукни чап қўлга тақадилар? — деб сўрадилар. У айтди:

— Билмайсизларми, илм аҳли доимо дунё зийнатига унча илтифот қилмайдилар.

● Илм шундай бойликки, у сенинг ақлингни мустаҳкамлайди, хулқингни поклайди, табиатингни тозалаб, иззатингни оширади. Илм сенинг ҳаётингга тахсинга сазовор бўлган янгиликлар олиб киради. Ёзишга, ижод қилишга, тасниф этишга шароит яратади, бу билан эса сени камолга етказиб, умрингни боқий қилади.

Байт:

**Хар ким хунар кадрин билмаса кўп дод,**

**У курук сувратдир, девсифат бунёд.**

**Алафхўр мисоли эмасдир инсон,**

**Зийраклик, хушёрлик пайтида ҳар он.**

**Хар ким ўқимодан килмаса гар ор,**

**Товшдан лалъ чқарар, сувдан дур-гавҳар.**

Бир доғишманд айтди:  
— Билгини ҳаётини маишатиингни яхшилайдиган ва ишларингни тўғри йўлга соладиган энг улуг восита — бу — илмдир. Илм буюк қадрга ва олий фазилатга эга. Сен илм туйғайли фазлу шарафга, улуғликка ва орзу-истакларга ноийл бўласан. Илм касб ва фазилатларнинг энг афзали, илм ўрганишни эса шу тоифанинг улугроғидир. Илм орқали яхши-ёмонни танийсан, ҳалол-ҳаромнинг фарқига борасан, дўстлик ва қариндош уруғнинг фазилатларини англайсан, қонун-қоидаларни тушунасан, ҳақ-ҳуқуқларингни биласан.



Замонавий ва кўркам бинолар шахримиз қиёфасига янада чирой бағишламоқда

Бугун бир амаллаб сахар туриб олдим. «Импра» чойни дамлатиб, катта кулдонни олдимга қўйдим. Телефонда сўрашса, мен йўқман, деб хонимга тайинладим. Билак шимариб ишга киришдим. Кеча муҳарриримиз топшириқ берган: «Биз шу вақтгача аравакашни мақтаб келдик, Сайфи Содиқ, — деди шеф, — қалам ҳам чарчади, одамлар ҳам. Энди ўша араваани тортадиган аргимоклар ҳақида ёзиш керак. Гапимга тушундингиз-а?»

Тушундим. Шефнинг «аравакаш» дегани амалдорлар, «аргимок» — бу қўли қадок меҳнатқаш, сиз билан бизнинг ризқимизни етказиб бераётган оддий фуқаро.

Сигаретни бурқситиб хаёл суриб ўтирибман. Ажойиб халқимиз бор-да! Ўзи емай қўшнисига едиради, ўзи киймай меҳмонга кийдиради. Саратонда сел кечади, қаҳратонда ел. Андишаси ҳам, қаноати ҳам, сабр-тоқати ҳам ўзига яраша. Бу қора кўзларнинг қайси бир хислатини ҳикояга қўшсам экан?

Оёқ учиди юриб хоним кирди.

— Хўжайин, сизни телефонга,— деди секин.

— Мени йўқ демасизми? — Айтдим. Собиқ вазирман, дейди. Қаранг-чи, эшик-тешикни ёпиб илҳом париси билан гаплашаётгандир, деб унамаяпти.

Ноилож нариги хонага чқидим. Ғўшакдан таниш овоз келди.

— Алло, Сайфи Содиқмисиз? Мен Лочин акаимизман. Лочин Кабиров. Собиқ вазир, танидингизми?

Лочин Кабиров билан бир замонлар қалин эдик. Бордик қилиб турардик. Тўрт-беш йил бурун «ўз ариза-сига биноан», деб думи тугилган эди. Менда нима иши бор экан, ҳайронман.

Гўё унинг кўнғирогини кутти, ўлиб тургандай, шўхчан товудша жавоб бердим:

— Э, бормисиз, Лочинбек ака! Қалай, келинкойимларни хурсанд қилиб, неварачевараларни ўйнатиб, зерикмайгина юрибсизми? Одамни жуда соғинтириб юбордингиз-ку, ака!

Лочин ака негадир киноя аралаш деди:

— Биз ҳам сизни соғиниб қолдик. Бизникига бир келиб, кетсангиз, мулла Сайфиддин. Уйни адашмай топарсиз, дейман. Ҳовли ўша-ўша...

— Уйни-ку, адашмай топамиз-а,— деб қийшангладим,— лекин ҳозир вақт масаласи...

Лочин ака сўзимни кесди:

— Менга қаранг, акаси! Шу бугунқоқ келасиз. Бошқа иложингиз йўқ. Эсингизда бўлса, бир вақтлар менга китобла-

рингизни совга қилувдингиз. Ана шу матоҳларингизни ўзингизга қайтариб бермоқчиман. Агар бугун келиб олиб кетмасангиз, эртага уларни Эски Жўвадаги носфурушнинг олдида кўрасиз. Гап тасомом!

Ғўшак «ту-ту»лаб қолди. Шалвираб ичкари кирдим. Бу ёғи қизиқ бўлди-ку. Ҳе, ноинсоф, сенга биров ҳиммат қилиб китоб ёзиб берибди. Ўқисанг-ўқи, бўлмаса тоқчага қўйиб қўй. Сендан ош-нон сўрармиди? Сен бўлмасанг, биронта неварачеваранг килобинг қадрига етар, шулар ўқир. Тавба! Тагин носфурушга сотиб юбораман, деб пўпинча қилганига ўлайми.

Бормасам, бўлмайдингана!

сиз... ўзимнинг китобимни ўзимга сотмоқчимисиз?

— Бўлмасам-чи, — Лочин ака айланма креслода у ён-бу ён чайқалиб, ёйилиб қулди,—ҳозир бозор иқтисоди, айби йўқ.

Анграйиб қолдим. Қўлим титради, юрагим дуқиллади. «Буни худо уриб қўйибди» дедим ичимда. Ўзимни босиб олиш учун бирозгача китобларимни варақлаб ўтирдим.

— Кечирасизу, бу одамгарчиликдан эмас,— дедим ниҳоят,— кўнглимдан чиқариб... сизни ака, деб самимий тилак билдирган бўлсаму, сиз...

Собиқ вазир бошини кресло суянигига ташлаб хаҳолаб қулди:

— Лаббай? Самимий тилак,

сўз айтган эканман.

Зора кўнгли юмшаса, деган умидда антика китобфурушга мўлтираб боқдим.

— Инсоф қилинг, Лочин ака, ҳозирги пайтда бир китоб чикаргунча...ўзингиз биласиз...

— Биламан,— деди у эснаб,—ҳозир ҳаммага қийин. Тунов куни газетлада ўқидим. Ёзувчиларнинг қалам ҳақи ошбди. Орамизда бўлиб ўтган гапни хангома қилиб бирор ерда бостирсангиз, хиссаси чиқиб кетади.

Ноилож кисса кавладим. Эрталаб хотин, уй ҳақини тўлаб келинг, деб чўнтагимга пул солиб қўйган эди. Санасам, саккиз минг чқиди.

— Мана, бори шу экан,

—деб столга қўйдим. Лочин ака, майли, борига барака, йўлингиз тушганда қолганини ташлаб кетарсиз, деб рози бўлди. Химмат юзасидан китобларимни чиройли қилиб сувқозга ўраб берди.

Уйга келсам, хотин пошшо шум хабар тийёрлаб ўтирибдилар.

— Қуриб кетсин, ҳар куни бир ташвиш, — деди ўзини оқлагандай, — ҳалиги Турсунбой тоғам бор, Яққабдоғай, ўшанинг ўғлини прописка қилиш керак экан. Маҳалла оқсоқолига қиқсам, кўкдан борми, келин, деб ишшаяди бетовфик. Шунга битта китобингизни ёзиб беринг, кейин ичига...

Хотиннинг оғзидаги оғзида қолди.

— Энди ҳеч кимга китоб ёзиб бермайман, — дедим тўқ этқизиб, — тавба қилганман. Хоним гапимга қулоқ солмай жаврай берди:

— Мана, мен бир китобингизга эсдалик ёзиб қўйдим. Энди сиз қўл қўйворсангиз бўлди.

Қарасам, хотин тўра бир китобимнинг ички бетини тўлдириб оқсоқолнинг болачақасио етти авлодига мадху саано битиб қўйибдилар.

Улганда олтиш сўз чқади.

Дастхатимга қараб ўйланиб қолдим. Мабодо оқсоқол ҳам ишдан бўшаб бекорчи бўлиб қолса-чи? Вазирга ўхшаб, ол омонатингни деса-чи? Унда хонавайрон бўламан-ку?

Бошимни кўтардим. Топамда хоним илжайиб турибдилар. Бир қўлида китоб, бир қўлида ручка.

— Адажониси, манави ерга булбулнинг тумшугидай имзочангизни қўйворинг, илтимос...

Хотин пошшонинг қулиб турган қулча юзига қараб, қўлим ручкага қўзилганини сезмай қолдим.

Саъдулла СИЁЕВ

**ИНСОФ ҚИЛИНГ,  
ЛОЧИН АКА  
ҲАЖВИЯ**

ўхшайди. Собиқ вазир бир балони бошламасин, деб йўлга тушдим. Лочин аканинг уйини яхши билардим. Бир пайтлар бу ерда роса маишат қилганмиз. Қанча шеърлар ўқилган, қанча-қанча «Напалеон» шишалари бўшаган. Лочин аканинг шаънига узундан-узун алёлрлар айтилган.

Уша бог кўчадаги нақшикор дарвозалик ҳовлига кириб бордим. Лочин ака кўкун гилос тагида, айлана креслода ялпайиб ўтирибди. Олдида бир ликочна қоп-қора йирик гилос, гардин чойнак. У мени қўриб ўрнидан ҳам турмади. Ўтирган ерида касалманд кишидек аранг жилмайиб қўл чўзди. Мен ҳам гуноҳкор кимсадек, ийманибгина ҳол-ахвол сўраган бўлдим. Гапимиз қовушмайроқ турди. Лочин ака бир пиёла чой узатиб сўз бошлади:

— Қарасам, ҳамма ёқ китобга тўлиб кетибди. Ке, буларни бир тозалаб қўй, дедим. Бу китобларнинг чққанига ўн йил, ўн беш йил бўлибди...

Эгалари ҳам тополмай, зор бўлиб юрганди, ўзларига қайтариб берай, дедим. Тўғрими?

— Билмасам,— деб мингилладим,—бироз зор, бироз бозор деганларидек...

Лочин ака оғир кўзғолди. Орқасидаги хонтахтадан бир даста китоб олиб, олдимга ташлади.

— Манавилар ўзлариники,— деди креслога чққиб,—пулини берингу олиб кетаверинг.

Қизариб қулимсирадим.

— Тушунмадим, ака. Мина

дедингизми, азизим? Уша саломий сўзининг нархи неча сўм бўлади, мулла йигит? Китоб ёзиб, қўшқўллаб топшираётган пайтингизда ҳар бир сўзингизга фалон сўмдан беринг, десам нима қилардингиз? Раҳмат айтиб, сўраган пулимни бераддингиз. Энди бизнинг керагимиз йўқ-да, тўғрими? Энди биз отдан тушганмиз, хуллас, со-бикмиз. Одамгарчилик эмиш. Илгари кун ора келавериб, остонамни тўздирдинглар, мана, икки йилдири, ҳолинг қалай, деб биронтанг келдингми? Одамгарчилик шуми?

Лочин аканинг рапидадек япалоқ бетига қараб дедим:

— Хўш, мана китобларингиз... э, китобларимга қанча сўрайсиз?

У бамайлихотир жавоб берди:

— Мен савдоллашиб ўтирмайман. Каминани мақтаб ёзган ҳар бир сўзингиз учун, майли, юз сўмдан берақолинг.

Нафасим ичимга тушиб кетди. Жинни-пинни бўлганми бу ўзи? Китобларимни бир-бир варақлаб, дастхатларимга кўз югуртирдим. Қарасам, бу қари тулки аллақачон ҳамма сўзимни битта-битта санаб, пулга чақиб қўйибди. Биринчи китобда собиқ вазирини ўн икки сўзда мақтабман, бу юз сўмдан бир минг икки юз сўм бўлади. Иккинчиси — икки минг олти юз сўм, учинчи уч минг тўрт юз сўм, энг охири марта совга қилган китобимни деярли бир бетини тўлдириб қулқўқ қилибман. Хуллас, саккиз минг тўрт юз сўмлик ҳушомад

**Спорт**

**ЁШЛАР ХИНДИСТОНДА**

Ноябрь-декабрь ойларида Бирлашган Араб Амирликларида ёшлар ўртасида ташкиллаштирилаётган жаҳон чемпионатида жиддий ҳозирлик кўраётган Виктор Борисов етакчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Хиндистонга жўнаб кетишди. Шуниси эътиборлики, Хиндистонда уюштирилаётган Осиё — Африка ўйинларида қатнашиш бахтига муяссар бўлган ёш футболчиларимиз Эрон, Буркина — Фасо, Зимбабве терма жамоалари билан битта гуруҳдан жой олишган.

**КИЕВЛИК ФАХРИЙЛАР — БИРИНЧИ ЎРИНДА**

Зарафшон шаҳрида фахрийлар ўртасида 13-халқаро мини-футбол турнири уюштирилди. Навоий тоғ-металлургия заводи ташкил топганлигининг 45 йиллигига бағишлаб ўтказилган ушбу турнирда футбол ишқибозлари «Динамо» (Киев), «Динамо» (Минск), «Зенит» (Санкт-Петербург), ЦСКА (Россия), «Қайрат» (Алматы), «Пахтакор» (Тошкент), «Колхозчи» (Ашгабат) каби машҳур жамоаларнинг ўйинларини кузатиш имконига эга бўлишди.

Дарвоқе, ушбу турнирда Навоий, Учқудук, Самарқанд ҳамда Зарафшон фахрийлар жамоалари ҳам голиблик учун кураш олиб боришди. Барча учрашувларни кўтаринки кайфиятда ўтказиб, турнир финалида Санкт-Петербургнинг «Зенит» жамоасини пенальтилар сериясида енга олган Киевнинг «Динамо» жамоаси голибликни кўлга киритди. Санкт-Петербургнинг «Зенит» ҳамда Минскнинг «Динамо» жамоалари иккинчи, учинчи ўринлар билан қийофланишди.

**УНИВЕРСИТЕТДА ФУТБОЛ ТУРНИРИ**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида факультетлараро университет ректори Кубоги учун футбол турнири ўтказиш аънана тусини олган. Жорий йилда ҳам ушбу аънана давом эттирилди. Университет ўйинида ўтказилган чиройли, комбинацияларга бой беллашувлар ишқибозларда илиқ таассурот қолдирди. Финалда ўзаро беллашган география ва ҳуқуқшунослик факультетлари футболчилари бошқалардан маҳоратлироқ эканликларини исботлашди. Қизиғи шундаки, тенг курашлар остида ўтган бахсининг асосий вақтида 1:1 ҳисоби қайд этилди. Пенальтилар сериясида эса омад география факультети жамоасига кулиб боқди. Байрамона руҳда, қизиқарли ўтган турнир якунида голиб ва совриндорларга эсдалик совгалари тўхфа этилди.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

**ЁЗГИ БИАТЛОН УСТАЛАРИ БЕЛЛАШДИ**

Чирчиқ шаҳридаги Жалолиддин Мангуберди номи спорт мажмуасида тўрт кун давомида ёзги биатлон бўйича Сергей Ничипуренко хотирасига бағишланган Ўзбекистон Республикаси шахсий биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш керакки, кейинги пайтларда республикамизда ёзги биатлон спорт тури жадал ривожланмоқда. Жумладан, шу йили Қирғизистоннинг Чўлпон ота шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз олтига олтин ва иккита кумуш медалларининг соҳиблари бўлишди. Шунингдек, сентябрь ойида Санкт-Петербургда бўлиб ўтган Европа очик чемпионати, Италияда ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам ўз маҳоратларини муносиб намойиш этдилар. Спортчиларимизнинг натижалари уларнинг жисмоний тайёргарлиги жаҳоннинг кучли спортчилари даражасида эканлигини кўрсатди.

Қўпоровчилар гуруҳини қуролсизлантириш операциясини амалга ошириш жараёнида ҳаётдан кўз юмган Сергей Ничипуренконинг ҳарбий-амалий кўпкураш ва ёзги биатлон спорт турларини ривожлантиришга қўшган ҳисаси ҳамда Ватанга ва ўз хизмат вазифасига содиқлигини инobatга олиб, ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ва миллий хавфсизлик хизмати томонидан уюштирилган бешинчи аънанавий турнирда ҳам барча вилоятлардан ташриф буюрган спортчилар иштирок этишди. Улар ёзги биатлоннинг 3000 дан 8000 метргача масофага кросс, 10 метрга



**Даврон НУРМАТОВ СУРАТЛАРДА: Ёзги биатлон мусобақасидан лавҳалар.**

**ТАДБИРЛАР**

Ўртимизда спортни ривожлантириш ва ёшлар орасида спорт турларига қизиқишни кучайтириш мақсадида кенг кўламда чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, спортни ривожлантириш ва уни ёшлар орасида кенг тарғиб қилишда оммавий ахборот воситалари муҳим роль ўйнайди.

**СПОРТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Куни кеча «Бунёдкор» ёшлар телеклубида «Ўзбекистонда спорт журналистикасини шакллантириш истиқболи» мавзусида дара суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистонда спорт соҳасига ихтисослашган журналистиканинг ривожланиш истиқболлари ва муаммолари таҳлил қилинди. Тадбирда журналистика соҳасининг назарий ва амалиётчилари кучли тайёргарликдан ўтган, ихтисослашган журналистларни тайёрлаш муаммолари, спортга оид нашрлар, радио-телекўрсатувлар сифатини ошириш каби бугунги куннинг долзарб масалалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети ўқитувчилари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, «Спорт» газетаси вакиллари, «Бунёдкор» ёшлар телеклуби қошидаги «Фан-клуб» аъзолари ва кўплаб журналистлар иштирок этишди. Тадбирга тақлиф этилган «Ёшлар» телеканали спорт шарҳловчиси Хайрулло Ҳамидов спорт журналистикасини ривожлантиришда амалга оширилиши зарур бўлган масалалар хусусида ўз мулоҳазаларини билдириди.

Соҳиба УМАРОВА

*Мозий паҳлавонлари*

**СУЛОЛАМИСАН, СУЛОЛА**

Ўтмишда ҳам машҳур полвонлар бўлганлиги ҳақида тарих солнома саҳифаларида қайд этиб ўтилган. Алпомиш, Хожимукон, Поддубнийлар сингари кураги ерга тегмаган паҳлавонлар озмунчми?

Милoddан олдинги 464 йилда бўлиб ўтган олимпиада ўйинларида қадимги Юнистоннинг машҳур файласуфи Диоген муштлашув жабҳасидаги мусобақада голиблик қилган. Унинг мураббийлигида олимпиада чемпион-совриндорлари етишиб чиққан. Диогеннинг уч ўгли ва икки набираси кўхна замоннинг қахрамонлари бўлган. Орадан 16 йил ўтгандан сўнги олимпиадада донишманд-паҳлавон Диогеннинг ўғиллари Дагомет билан Акузилий панкратион кураши (кураш билан муштлашув қўлланиб олиши) мусобақасида голиб чиқади. Тантана билан ўтган маросимдан сўнг ака-ука ҳешлар отахон-мураббий Диогенни табриклай елкаларида кўтарганча минглаб томошабинлар олқиши остида ўйингоҳ узра айлантиришди. Шунда мусобақа ишқибозларидан кимдир: «Диоген, ҳаётда бундан ортиқ яна нима армонинг бор?» деб қичқиради. Қувончи ичига сиймаган, ниҳоятда ҳаяжонланган Диоген юрагини чангаллаганича, гулдурос олқишлар остида ҳаётдан кўз юмади.

**МУШТЛАШГАН ПИФАГОР**

Қадимги Юнистоннинг атоқли кишилари Олимпиада ўйинларида иштирок этишни ўзлари учун шараф деб билишар эди.

Жумладан, ҳисоб илмининг машҳур билимдони Пифагор муштлашув жабҳасида доим голиб чиққан. Донишманд Афлотун билан Искандар Зулкарнайн (Александр Македонский)нинг отаси Филлип Македонский эса жанг арвалари пойғасини ёқтиришган. Шунингдек, Сукрот (Сократ), Арасту (Аристотель), Александр Македонский, Демосфен, Геродот каби буюк кишилар ҳам Олимпиада ўйинларининг ашаддий томошабини бўлишганликлари ҳақида маълумотлар мавжуд.

Маннон НАБИЕВ, тайёрлади.

**НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?**

27 октябрь—2 ноябрь

Бугун Алишер Навоий номидаги Санъат саройида «Тақдир» бадийий фильми соат 11.00, 13.30, 16.00, 18.30 да намойиш этилади.

• «Зарафшон» концерт залида «Буюртма муҳаббат» янги бадийий фильм соат 13.00, 15.00, 17.00, 19.00 да бошланади.

28 октябрда:

• Ўзбек Миллий академик драма театрида А.Орипов асари «Соҳибқирон» спектакли соат 18.00 да намойиш қилинади.

• Аброр Хидоятлов номидаги ўзбек давлат драма театрида Исфандиёрнинг «Отасининг қизи» спектакли соат 15.00 да бошланади.

29 октябрда:

• Мухимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрида Х.Хурсанов асари «Хотинимнинг уч шайдоиси» («Топталган туйғу») спектакли соат 18.00 да кўрсатилади.

• «Қозғоқ» номи кинотеатрда «Фиррибарлар» комедия фильми (Элизабет Херли иштирокида) соат 17.00, 19.00 да, «Тақдир» мусиқали мелодрамаси эса соат 12.00, 14.30 да намойиш этилади.

30 октябрда:

• Ю.Гагарин номи кинотеатрда «Шарпа» янги бадийий фильми соат 13.00, 15.00 да бошланади.

• Ўзбекистон академик рус драма театрида К.Гольдони асари «Арлекино» спектакли соат 18.30 да кўрсатилади.

31 октябрда:

• Ўзбек Миллий академик драма театрида Э.Хушвақтов асари «Чимилдик» спектакли соат 18.00 да намойиш қилинади.

• Йўлдош Охунбоев номидаги республика ёш томошабинлар театрида «Боз масҳарабоз» спектакли соат 14.00 да бошланади.

1 ноябрда:

• Республика Киночилар уйида «Джиперс Криперс-2» бадийий фильми соат 12.30, 17.00, 19.00 да, «Бекхэм каби ўйна» комедия фильми эса 15.00, 21.00 да намойиш этилади.

2 ноябрда:

• Ўзбек Миллий академик драма театрида Э.Хушвақтов асари «Қаллиқ ўйини» спектакли соат 18.00 да бошланади.



**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тибқ, офсет усулида босилади. 4204 нусxada босилди. Қўғот бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақамли билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериши масалалари бўйича турар жойларини почта бўлимига ёки «Тошкент почтачиси» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.